# ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ ЙЎЛИДАГИ МАЁҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тида ажралиб чиқди. 1992 йилда Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари заминида Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, Навоий давлат педагогика институти очилди. Шунингдек, вилоятлардаги педагогика институтлари асосида Андижон, Бухоро, Гулистон, Қарши, Наманган, Фарғона, Урганч университетлари юзага келди. Тошкент чет тиллар институти ва Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ҳам университет мақоми берилди.

Ватанимизда давр талаби билан янги олий таълим муассасалари бунёд этилди. Биз бу ўринда зиммасига халқаро иқтисодчи ва дипломат кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини, шунингдек, ислом дини ва ҳуқуқий таълимоти бўйича мутахассисларни тарбиялаб етиштирувчи Тошкент ислом университетини назарда тутаяпмиз.

1992 йилда эса Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги биринчи қонуни жорий этилди. Унда миллий таълим тизимида илгаридан мавжуд ижобий жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда, айни пайтда, таълимни ва тарбияни собиқ тоталитар тузум даврининг асоратларидан халос этиш вазифаси қўйилди. 1996 йилда Президентимиз даъвати билан республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мамлакатда олий таълим тараққиёти масалаларини ўрганувчи махсус ижодий гуруҳ тузилди. Бу гуруҳ ватанимиз ҳамда хорижий давлатлардаги олий таълим тажрибаларини атрофлича ўрганиш асосида **олий таълим Концепциясини** ишлаб чиқди. Бу ҳужжат матбуотда эълон қилинди ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Муҳокамалар эса олий таълим соҳасининг ислоҳ этилиши ниҳоятда долзарб масала эканлигини исбот этди. Ўша, 1996 йилда бакалаврлик дастури илк бор ишлаб чиқилиб, таълим амалиётига жорий этилди.

Вилоятларда, жойларда бизнес-мактаблар, ўрта мактаб ёшлари учун касб-ҳунар курслари очилди, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқилган ҳолда янги мутахассисликлар бўйича (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва ҳоказо йўналишларда) таълим-тарбия йўлга қўйилди.

800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олиш учун жўнатилди. Кўпгина ўқитувчилар ривожланган хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга сафар қилдилар.

Ниҳоят, 1997 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида" ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги қонунлар таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни улкан миқёсдаги ва узоқ муддатли дастурий фаолият сифатида оёққа қўйди, бу соҳа ривожини давлат сиёсатининг энг устувор вазифалари даражасига кўтарди, Ўзбекистоннинг таълим-тарбия тизимидаги ўзгаришларни узлуксиз чуқурлаштириб, такомиллаштириб бориладиган ҳаётий жараёнга айлантирди.

**М**иллий дастур мамлакатимизда маънавияти бой, ахлоқан етук, замонавий билим-малакали, фаол фуқаролик позициясига эга, мустақил фикрловчи ва юксак онгли қарорлар қабул қила оладиган шахсларни, бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан баркамол, янги тарихий шароитда Ватанимизнинг озод ва обод келажагини таъминлай оладиган мутахассис кадрлар авлодини тарбиялаб етиштиришдек катта мақсадни кўзлайди.

Ватанимизда, шу тариқа, эски тузумдан қолган таълим тизимини танқидий таҳлил этиш ва ривожланган давлатлардаги таълим тажрибаларини атрофлича ўрганиш манбаида узлуксиз таълим тизимининг ўзига хос миллий модели шакллантирилди. Бу миллий таълим моделининг ташқи, шаклий тузилиши қуйидагича: узлуксиз таълим 7 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган мактабгача таълим-тарбиядан бошланади. Кейин 9 йиллик умумий ўрта таълим ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан иборат 12 йиллик мажбурий таълимга навбат келади. Мактабдан ташқари таълим тури ҳам узлуксиз таълимда муҳим ўрин тутиб, болалардаги салоҳият ва қизиқишлар тарбиясини ўз ичига олади. Ўқув-тарбия шундан кейин олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида давом эттирилади. Узлуксиз таълим, ниҳоят, қайта тайёрлов ва малака ошириш таълими ҳамда олий таълимдан кейинги илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга қаратилган таълим босқичларини ҳам ўзига қамрайди.

Ҳа, бу – таълим моделимизнинг ташқи тузилмасидир. Аммо шу ташқи, шаклий кўринишнинг ўзида чуқур маънолар мужассам: аввало, мана шу тарзда, узлуксиз таълимнинг, яъни болаларимиз таълимдан ташқарида қолмаслигининг зарурлиги, 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги таъкидланади. Қолаверса, табаррук китобларимизда таълим бешикдан то қабргача давом этади, деган ҳикмат бор. Яъни инсон тирик экан, умр бўйи билим-маърифатга, малака оширишга, камолотга интилади, бу йўлда тўхтамайди. Чунки комиллик, маърифий-маънавий ривожнинг чегараси йўқ. Инсон ёруғ оламда маънавий-маърифий ўзлигини юксалтириб бориш бўйича тириклик ва тараққиёт олдида бурчдордир. Шарқнинг мана шу улуғ фалсафаси миллий таълим моделимизнинг бош шарти — **узлуксиз таълим тизими** тамойилида ўз ифодасини топган. Пировардида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури инсонни илмий, маърифий-маънавий ривожланиш йўлларида тинимсиз олға юришга даъват этади.

Энди Кадрлар тайёрлаш миллий дастури манбаида шаклланиб, такомиллашувда давом этаётган миллий таълим моделимизнинг бош мақсади, асл моҳияти масаласига қайтадиган бўлсак, унинг бутун диққат марказида жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатлардан **барқарор мутаносиб ривожланган Шахсни** тарбиялаб етиштиришдек вазифа турганлигини яна бир марта алоҳида таъкидлашимизга тўғри келади. Барқарор мутаносиб ривожланиш, бу — инсоннинг ҳаётдаги буюк ғалабаси! Шу маънода буюкки, фуқаролари ҳар жиҳатдан баркамол ривожланган мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий тармоқлар барқарор узвий ҳамнафасликда ривожланиш йўлидан боради. Чунки ҳаётни ривожлантириш одамларга боғлиқ. Бу фикрни алоҳида таъкидлашимиз зарур. Афсуски, дунёда барқарор мутаносиб ривожланиш — ўткир муаммо бўлиб қоляпти. Ҳатто, жаҳондаги энг ривожланган давлатларда ҳам, нима қилиб бўлса-да, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш бош мақсад-муддаога айланиб, бунинг оқибатида, дунёнинг экологик системасида ҳалокатли, оғир бузилишлар рўй бермоқда. Мана шу ҳолатнинг ўзи ўша давлатларда жамиятни, инсонни барқарор мутаносиб ривожлантиришга эътибор етарли эмаслигини кўрсатади.

Шундай ҳолатларни кўз олдингга келтирсанг, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бонг уриб турган бош ғоя — ҳар жиҳатдан комил, етук инсонларни вояга етказишга даъват оламшумул аҳамиятли эканлиги яққол аён бўлади.

Шундай қилиб, миллий тараққиётимизнинг дастуриламал ҳужжатларидан бири бўлган — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам шаклан, ҳам моҳиятан ғоятда эзгу мазмунлидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар шошма-шошарликка берилмасдан, босқичма-босқич, собитқадамлик билан амалга ошириб борилиши белгиланган. Ўтиш даврини ўзига қамраб оладиган **биринчи босқичда** (1997-2001 йиллар) таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий, илмий-услубий, маънавий ва моддий шарт-шароитларини яратиш кўзда тутилган. Ўтган вақт мобайнида бу вазифалар муваффақиятли ҳал этилди. Президентимизнинг шу мақсадга қаратилган қатор фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан кўпроқ қарорлари ва топшириқномалари, шунингдек, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ички ҳужжатлар таълим-тарбия ислоҳотининг ҳуқуқий-меъёрий негизини яратишга хизмат қилди.

**Ш**у билан бирга, биринчи босқичда замонавий талабларга жавоб берадиган педагог кадрларни тайёрлаш, давлат таълим стандартларини яратиш ва янги ўқув дастурлари устида ишлаш, уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига замин яратиш, узлуксиз таълим-тарбия тизимига



асос соладиган тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ҳал этиш йўлида кўп ишлар қилинди.

**Иккинчи босқич** 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. **Таълим-тарбиянинг сифатини таъминлаш** бош вазифа сифатида белгиланган бу босқичда тизим фаолиятининг самарадорлигини ошириш, рақобатбардош, малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш соҳасида муносиб натижаларга эришилди. Олий таълим тизимида бакалавриат ва магистратура босқичларига тўлиқ ўтилганлиги, талабалар билим-малакасини баҳолашнинг рейтинг тизими тобора такомиллашаётганлиги, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш барқарор тизим ҳолига келтирилганлиги, таълим-тарбияда илғор педагогик технологиялар ҳамда интерактив усуллар тобора фаоллашаётгани, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлодлари яратилганлиги ва бошқа тадбирлар ҳозирги кунда ўз ижобий самарасини кўрсатмоқда.

**Учинчи босқич** бундан кейинги узоқ йилларни кўзда тутади. Бу босқичда таълим-тарбия тизимида эришилган ютуқлар, тажрибалар янада мустаҳкамланиб боради. Таълимнинг моддий-техникавий негизи ҳамда сифати замон талаблари асосида такомиллашувда давом этади. Шу мақсадларга қаратилган ислоҳотлар изчил равнақ топади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўқув-тарбияни бундай йўсинда ташкил этишни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити, хусусан, кадрлар бозорида рақобатнинг кучайиши тақозо этмоқда. Чунки билим-малака бевосита амалиёт, ишлаб чиқариш ва илм-фан бағрида янада тобланади, камолга эришади. Ахир болага: "Мана бу дастгоҳ!" дейишнинг ўзи етарли эмас. Бола бу дастгоҳда ишлай билиши, буюм ясай олиши ҳам керак. Ўтган йиллар давомида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимларида бу йўналишда изчил ишлар олиб борилди. Таълимда амалиёт билан алоқа кучайди. Шунингдек, олий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида янги-янги изланишлар қилинмоқда: маркетинг фаолиятига эътибор ортди, олий ўқув юртларида кадрлар аукционини ўтказиш, кадрлар тайёрлашда буюртма механизмлари ҳаракатга келди. Таълим муассасаси билан корхона, ташкилотлар ўртасида шартнома, битимлар воситасидаги ҳамкорликлар ривожланиб боряпти. Хуллас, бу борада республика таълим тизимида ибратли тажрибалар тобора кўпаймоқда.

Биз нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг халқаро андозалардаги таълим-тарбия даражасига ҳавас қиламиз. Бугун эса ана шундай хорижий олий ўқув юртлари мамлакатимизга келиб, ўз филиалларини ташкил этишмоқда. 2002 йилда Тошкентда Халқаро Вестминстер университети ҳамда Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, 2006 йилда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, яқинда И. М. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети ўз филиалларини ташкил этди. Самарқанд давлат университетида Болонья(Италия) университети магистратураси очилди. Испания давлати ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш мақсадини кўзлаган ҳолда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига 25 минг евро ҳажмида грант маблағи ажратди. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари Европанинг Кембриж, Сорбонна, Оксфорд, Гарвард, Бонн, Вагенинген университетлари ҳамда Япония, Корея, Хитой, Малайзиядаги олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлар. Япония ҳукумати Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига 4 миллион АҚШ доллари миқдорида беғараз моддий ёрдам кўрсатиб, ушбу олий ўқув юртига энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозларини ҳадя этганлигини ҳам мамнуният билан эслагимиз келади.

Бугунги кунда замоннинг ва мустақил ривожланишимизнинг долзарб талаб ва эҳтиёжлари асосида мамлакатимизда янгидан-янги таълим академиялари, олий ўқув юртлари ёки уларнинг жойлардаги филиаллари ташкил этилмоқда. Бунинг энг сўнгги далилларидан бири Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошида ўз фаолиятини бошлаган филиалидир. Оролбўйи ҳудудидаги бу қудратли заводнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида тутган ўрни алоҳида шарҳга муҳтож эмас. Унинг маҳсулотларига бошқа давлатларда ҳам эҳтиёж катта. Демак, ушбу йирик корхона учун замонавий билим-малакали кадрлар тайёрлаш — давр талаби. Тошкент кимё-технология институти ана шу талаб-эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистоннинг Элобод шаҳрида ўз филиалини ташкил этди ва у муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғояларини амалга ошириш натижасида, юқорида айтилганидек, "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими" деб аталган ноёб бир тизим вужудга келди. Ҳозирги кунда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда, олис шаҳарлар ва туманларда, ҳатто қишлоқ жойларда ўнлаб академик лицейлар, юзлаб касб-ҳунар коллежлари ёшларни ўз бағрига олмоқда. Уларнинг сони йил сайин ортиб боряпти. Биргина 2006 йилнинг ўзида 6 та академик лицей, 117 та касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу таълим муассасалари қурилишига 198,5 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ сарфланди. 2007 йилда эса 21 та академик лицей, 179 та касб-ҳунар коллежи бунёдга келди. Шу мақсадда 2006 йилдагига нисбатан деярли 2 баравар кўп, яъни 361,2 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Мақсад эса эзгу. Бу мақсад — ватанимиз умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битираётган ёшларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олиш ҳамда узлуксиз таълимни имкон қадар тўла таъминлашга эришишдир. Умуман олганда, 2007-2008 ўқув йилига келиб республикамиз 1188 та, жумладан, 119 та академик лицей ва 1069 та касб-ҳунар коллежига эга бўлди. Мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синфларини битирувчиларнинг 75 фоизи академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олинмоқда. Диққатга сазовор яна бир рақам: фақат 2007 йилнинг ўзида республикамизнинг 45 та шаҳар ва туманида 9-синфларни битирган ўқувчилар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олинди. Ва шу тариқа, 2009 йилга бориб бутун мамлакатда 12 йиллик мажбурий таълимни тўла-тўкис амалга ошириш йўлида мустаҳкам асос қўйилди.

Давлатимиз томонидан кафолатланган, мутлақо бепул ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини тўла амалга ошириш, миллионлаб ёш йигит-қизларни замонавий касб-ҳунарли, билим-малакали қилиб вояга етказиш ва ҳаётга йўллаш, бу — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабидир. Ва бу улуғ ҳужжат ана шундай юксак инсонпарварлик моҳияти билан халқаро миқёсда ҳам эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Мана, бир эътироф.

Италиядаги Болонья университети проректори, профессор Ф. ФАНФАНЕЛЛИ:

"Президент Ислом Каримов олға қараб дадил қадам қўйди, у фақат мавжуд ютуқларни авайлаб, сақлабгина қолмай, айни пайтда таълимни яхшилаш йўлидаги фаолиятини изчил давом эттирди... Айниқса, тўққизинчи синфдан кейинги уч йиллик мажбурий таълим алоҳида эътиборни тортади. Миллий дастурда ўз ўрнини топган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўзига хос янги намунаси ҳаётга кираётган ўсмирларнинг камида икки-уч замонавий касбни пухта эгаллаб чиқишига имконият яратади, бу таълим тури бизни қизиқтириб қўйди ва янги ўй-мулоҳазалар уйғотди. Чунки ғарбда бундай ўқув юртлари ҳали йўқ ва Ўзбекистоннинг бу тажрибаси турли мамлакатлардаги замонавий таълим тизимига жиддий ўзгартишлар киритишга туртки бўлди".

**М**амлакатимиздаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўзига хос ажойиб шаҳарчаларга ўхшаб кетиши билан ҳам катта ижтимоий-маънавий ибратли таъсир кучига эга. Уларнинг архитектураси жойларда замонавий бунёдкорлик ривожини алоҳида рағбатлантиради. Бунинг устига, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан ҳам халқаро андозалар даражасидадир. Болаларимиз келажаги учун мамлакатда барча шарт-шароитлар яратиляпти. Миллиард-миллиардлаб маблағ ва хорижий сармоялар шу мақсадга сафарбар этилмоқда. Ва бу шарт-шароитлар ҳозирнинг ўзида қувонарли самаралар бермоқда.

Маълумки, 1997-2006 йилларда касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари учун қарийб 600 минг нафар малакали ёш кадр тайёрланди.

**"Мана бу бизнинг катта ютуғимиз,** — дедилар Юртбошимиз. — **Биз 600 минг ёш, келажакка интилган, кўзлари ёниб турган йигит-қизларимизни ҳаётга тайёрладик. Уч йиллик ўқиш давомида замонавий касб ва дунёқараш эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлодимиз вояга етиб келмоқда".**

Давлат раҳбари мамнуният билан тилга олган турли-туман касб-ҳунарли бундай етук ёшларнинг сони 2006-2007 ўқув йилида янада кўпайиб, 842 минг нафарга етди. 2007-2008 ўқув йилида эса уларнинг сони 1 миллион 114 минг нафарни ташкил этади. Замонавий билим-малакали ва касб-ҳунарли йигит-қизлар тараққиётимизнинг олтин фондидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фаол ишламоқда. Руслан Чагаевдай, Рустам Қосимжоновдай, Абдулла Тангриевдай, Дилшод Мансуровдай халқаро миқёсда машҳур спортчиларимиз ютуғи Кадрлар тайёрлаш миллий дастури манбаида мамлакат таълим-тарбиясида юз берган туб ислоҳотларнинг қонуний натижаларидир. Ёш ўзбек олимаси, халқаро ЮНЕСКО мукофоти совриндори Барно Султонова илм-фанда топаётган камолот ёки олис Қоракўл туманидаги умумтаълим мактабининг биратўласига бир неча ўқувчиси Греция пойтахти Афинадаги халқаро ўқувчи ёшлар олимпиадаси ғолиблари қаторидан ўрин олганлиги мана шу улуғ таълим ва тараққиёт дастури туфайлидир. Бугун вояга етиб келаётган тамомила янги тафаккурли, эркин дунёқарашли, энг замонавий билим-малакали тадбиркорлар авлоди мана шу дастур ниҳолларидир.

**Б**из буюк воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги байрами шодиёналари арафасида яшаяпмиз. Айни шу кунларда халқимиз яна бир муҳим тарихий воқеа — "Таълим тўғрисида" ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида қабул қилинган қонунларнинг ўн йиллигини ҳам шарафламоқда. Бу ғоятда рамзли бир аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури халқимизга Мустақиллик даври ҳадя этган нодир маънавий қадриятлардан биридир. У Ўзбекистон мустақиллик даврида эришган янгича тараққиётнинг стратегик йўлланмаларидан бири сифатида жаҳонда ҳам катта обрў топиб бораяпти. Ушбу дастур ўз моҳият эътибори билан ҳамда саҳифаларида мужассамланган ғояларнинг бебаҳо аҳамиятига кўра, ҳеч шак-шубҳасиз, бундан кейин ҳам мустақил тараққиётимизга раҳнамолик қилувчи улкан аҳамиятли ҳужжатлардан бири бўлиб қолади.

**Михли САФАРОВ,**
**шарҳловчи.**

Обучение в магистратуре в Японии!
Японияда магистратурада ўқиш!
"Let's study in Japan!"

From the People of Japan

**JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) (2008-2009)**

**Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan in the Japanese fiscal year of 1999-2000.**

**The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.**

**The JDS targets those who are expected to play leadership role in socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.**

**Under this Project, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for the year 2008-2009.**

**1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY**

(1) **Degree**: Master's degree (1-2.5 year courses)
(2) **Fields of study, Common Agenda* and Accepting universities**:
- Law: *Developing Legal Infrastructure for Attractive Market and Active Industries*
  Nagoya University
- Public Administration: *Building Institutional Capacity for Good Governance*
  Meiji University, University of Tsukuba
- Economics: *Ensuring Balanced and Stable Fiscal Management*
  International University of Japan, Hitotsubashi University
- Business Administration: *Providing Sound and Fair Business Environment*
  Waseda University
- Agriculture: *Advancing Effective Agricultural Structure*
  Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology: *ICT Policy to Create Wider and Advanced Usage*
  Ritsumeikan University
- Education Administration : *Delivering Better Educational Service*
  Hiroshima University
- Engineering : *Improvement of Industrial Structures and Its Management*
  Toyohashi University of Technology

* Common Agenda should be considered when writing your Research Proposal

(3) **Language of instruction**: English

**2. QUALIFICATION OF APPLICANTS**

(1) **Nationality**: Citizen of Uzbekistan
(2) **Age**: (as of April 1st, 2008)
- Between 22 and 34 years old (inclusive).
- For the study fields of "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (inclusive).

(3) **Work experience** recorded in Workbook: (as of August 17th, 2007)
- More than 2 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.
- For the study field of Business Administration, more than 3 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.

(4) **Academic background**: Bachelor's degree.
(Please also refer to the University information for necessary information for application.)
(5) **English proficiency level**: Minimum requirement must be either of the following:
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 550 / TOEFL CBT (Computer-based) score 213 / TOEFL iBT (Internet-based) score 79

Those who submit the valid official certificate of the score higher than either of above, which was issued after April 1, 2006, will be exempted from English language exam during the selection stage.
(6) **Ineligibility**:
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others**:
- Must be in good mental and physical health. Applicant will undergo medical check-up in Tashkent during selection.
- Finalist (applicant who passed the final selection) must participate in the Preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months (planned to be held in Apr.-Jun.2008).

**3. APPLICATION PROCEDURES**

➢ Applicant should submit the JDS Application Form accompanied with necessary documents to JICE JDS Project Office.
➢ Application Form will be available at the places below located or can be downloaded from our website (**http://www.jds.uz**).

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 17:00
   - 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, Sadyk Azimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
   - Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
   - Mon. to Fri., 15:00 to 17:00 96, 2nd Chimbay St., Tashkent
6. Business Communications Center (BCC) in Tashkent – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
7. BCC Regional Offices
8. Major academic institutions
9. Chamber of Commerce and Industry – 14, Mavaraunnakhr Street, Tashkent
10. Regional Offices of the Chamber of Commerce and Industry
11. Ministry for Foreign Economic Relations Investments and Trade, Regional Offices

**4. APPLICATION DEADLINE: November 5th , 2007, 17:00**

Applications missing above deadline shall not be accepted.

**5. PLACE OF SUBMISSION: JICE JDS Project Office in Tashkent**
by post, courier or hand.

**6. SELECTION PROCEDURES**

(1) **First Selection – November 2007**
- Examination and Screening of submitted Application Forms by University Professors in Japan

(2) **Second Selection – January 2008**
- English language examination - IELTS
- Basic mathematics test

(3) **Third Selection (Technical Interview) – February 2008**
- Interview by Japanese University Professors in Tashkent
- Medical check at a designated hospital

(4) **Fourth Selection (Comprehensive Interview) – March 2008**
- Interview by the Operating Committee members for JDS

**7. INQUIRY**

**JICE JDS Office in Uzbekistan**
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: 139-15-60/139-15-67
(Monday to Friday 9:30 to 13:00, 14:30 to 17:00)
E-mail : jice@jds.uz Website : http://www.jds.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

# ХАЛҚ БАНКИ

юртимиз аҳлини республикамиз

## Мустақиллигининг 16 йиллик байрами билан

самимий муборакбод этади!

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни қут-барака, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо ҳукмрон бўлишини тилаб қолган ҳолда байрам муносабати билан Сиз, азизлар учун ҳар томонлама қулай бўлган қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз. Уларга бўш пул маблағларингизни қўйиб, шахсий даромадингизни оширишингизни истаймиз.

**«Мустақиллик туҳфаси»** — ютуқли, сақлаш муддати — **3 ой**, бошланғич бадал — **50 000 сўм.** Фоиз даромадларини олиш билан бирга **1 000 000 сўм** ютуқ соҳиби бўлиш имкониятига эгасиз.

**«Афзал»** — муддатли, сақлаш муддати — **6 ой**, фоиз даромади — **йиллик 22%**, бошланғич бадал — **100 000 сўм.** Омонат очилган куннинг ўзида ҳисобланиши лозим бўлган фоиз даромади фойдаланилган коммунал тўловлари учун олдиндан накд пулсиз ўтказиб берилади.

**«Шодлик»** — муддатли, сақлаш муддати — **3 ой**, фоиз даромади — **йиллик 24%**, бошланғич бадал — **200 000 сўм.** Ҳисобварақ очилган куннинг ўзида ҳисобланиши лозим бўлган фоиз даромадини мактаб формалари ва ўқув анжомларини харид қилиш учун олдиндан накдсиз пул ўтказиб бериш имкониятига эга бўласиз.

**Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

1157Р/1442/933



# “SHIFO NUR KO‘Z”

КЎЗНИ ЛАЗЕР ЁРДАМИДА МАЙДА ЖАРРОҲЛИК ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*Азиз ватандошлар!*

Халқимиз Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйини муносиб тўёналар билан кутиб олиб, тантанали нишонламоқда.

Мамлакат ривожининг муҳим босқичида барчага янги зафарлар, мустаҳкам соғлиқ, бахт ва ҳар бир бошлаган ишида омадлар тилаймиз.

Мустақилликнинг ҳар бир куни барчамизга қувонч ва янги муваффақиятлар келтирсин!

# «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» ОАЖ

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг жамоаси

*серқуёш ўлка халқи ва меҳмонларини ҳар бир ўзбекистонлик қалбига яқин бўлган улуғ байрам —*

## Мустақилликнинг 16 йиллиги

*билан самимий муборакбод этади!*



*Барчамизга соғлиқ-саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик, оилавий бахт, омад ва зафарлар ёр бўлсин, азизлар!*



«HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг
Ўзбекистондаги расмий дилери

# «DONGNAMUZ-MOTORS» МЧЖ ХК

16 йил

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини,
ўз ҳамкорлари ва мижозларини улуғ айём —

## МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН

чин дилдан муборакбод этади!

*Сизларга эзгулик, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.*

*Йилнинг энг катта тантанаси омад, бахт-саодат, фаровонлик тантанаси бўлиб қолсин!*



*Ҳурматли ватандошлар!*

# «Асака» банки



Сизларни кириб келаётган айём —

## Мустақиллик куни

билан табриклайди

ва ўз жамғармангизни миллий валютадаги
**янги муддатли «Мустақиллик—2007»**
омонатига қўйишни таклиф этади.

Омонатнинг энг кам миқдори — ***100 000 сўм.***

Сақлаш муддати — ***3 ой.***

Омонатга йиллик ***25%*** ҳисобланади.

Омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобланган фоизлар ҳар ойда берилади.

Омонатга маблағлар
2007 йил 5 сентябргача қабул қилинади.

Омонатни банкнинг барча филиалларига қўйишингиз мумкин.

«Асака» банки — маблағингизнинг сақланиши ва кўпайишига кафолат.

**Сизнинг барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Хизматлар лицензияланган

Маълумот учун телефонлар:
120-86-97, 120-86-87, 120-82-60, 120-81-73.

# «Алп Жамол Банк» ХОАТБ



Ўзбекистон халқи, ўз акциядорлари
ва мижозларини энг улуғ ва энг азиз байрам —
мамлакатимиз
Мустақиллигининг 16 йиллиги
билан чин дилдан муборакбод этади!

*Уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва нуфузини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларида улкан муваффақиятлар тилайди!*

**Мустақиллик байрами муносабати билан қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги янги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:**

**«Таътил»** номли миллий валютада **йиллик 22%** устама ҳақи билан.
Энг кам омонат миқдори — 100 000 сўм.
Сақлаш муддати — 3 ой.

**7,5% йиллик** устама ҳақи билан АҚШ долларида.
Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 3 ой.
*Ушбу омонат турида фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг АҚШ долларида берилади.*

**9% йиллик** устама ҳақи билан АҚШ долларида.
Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 6 ой.
*Ушбу омонат турида фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг АҚШ долларида берилади.*

**11% йиллик** устама ҳақи билан АҚШ долларида.
Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 12 ой.
*Ушбу омонат турида фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг АҚШ долларида берилади.*

**5% йиллик** устама ҳақи билан еврода.
Энг кам омонат миқдори — 500 евро.
Сақлаш муддати — 6 ой.
*Ушбу омонат турида фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг еврода берилади.*

**5,5% йиллик** устама ҳақи билан еврода.
Энг кам омонат миқдори — 500 евро.
Сақлаш муддати — 12 ой.
*Ушбу омонат турида фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг еврода берилади.*

**Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан суғурта қилинган.**

**Мурожаат учун банк филиаллари манзили ва телефон рақамларини эслатиб ўтамиз:**

**Тошкент ш., М.Отатурк к., 21-уй. Телефон: 132-16-00 (Мўлжал — «Зарафшон» ресторани).**

**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо к., 7-«А» уй. Телефонлар: 150-66-90, 60-58-92.**

**Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Охунбобоев к., 20-уй. Телефон: 150-20-45.**

**Қашқадарё вилояти, Қарши ш., «Ўзбекистон» к., 256-уй. Телефонлар: 150-66-91, (8-375) 221-10-44.**



***Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 72-сонли лицензияси.***



**Президентимизнинг шу йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони жамиятимиз келажаги бўлган ёш оилаларга давлат ғамхўрлигининг амалий ифодаси бўлди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан молиявий муассасаларга ҳам қатор вазифалар юкланган бўлиб, уларни рўёбга чиқаришда «Ипотекабанк»нинг Наманган вилоят филиали ҳам фаол иштирок этмоқда.**

**Фармон ва ижро**

# ЁШ ОИЛАГА МАДАД — КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Ёш оилалар оёққа туриб олиши учун ҳукумат томонидан яратилган янги имтиёздан Наманган вилоятида биринчилардан бўлиб ҳаққулободлик Обидхон Абдураззоқов фойдаланди. Бир неча йилдан бери оиласига ҳовли сотиб олиш мақсадида юрган йигитнинг аризасини банкда ижобий қабул қилишганидан боши осмонга етган Обидхон бир ҳафтага қолмай зарур ҳужжатларни тайёрлади. Шу орада олинаётган кредитнинг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадални банк депозитига қўйиши лозимлигини айтишди. Яхшиям анча-мунча жамғариб қўйгани бор экан, юки енгиллашди. Янаям хурсанд бўлгани омонатга топширган бу маблағи ҳам бекор турмайди, чунки банк унга кредит учун ўрнатилган фоиз ставкасининг ярми миқдорида йиллик устама тўлар экан.

— Рафиқам, болаларимизнинг янги ҳовлига кўчиб ўтган кундаги қувончини кўрсангиз эди. Ахир биз бу кунни қачондан бери орзу қилаётган эдик-да. Ҳовли тўйига йиғилган ота-онам, қариндош-уруғларим ёшларга ғамхўрликни биринчи ўринга қўяётган Юртбошимизни роса дуо қилишди, — дилидагини тилига чиқаради О.Абдураззоқов.

Дарҳақиқат, ёшларнинг янги рўзғорни йўлга қўйиб олиши, меҳнат фаолиятини бошлаши ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маданий шароитларини яхшилашни кўзда тутган юқоридаги Фармон катта йўл бошида турган ёш оилаларга чинакам имконият эшикларини очди. Мазкур ҳужжат жойлардаги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви идоралари қатори тижорат банклари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Айтиш мумкинки, «Ипотекабанк» вилоят филиали жамоасининг саъй-ҳаракатлари масалага ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёндошилаётганидан дарак беради.

Филиалда Фармон ижроси бўйича чора-тадбирлар дастури белгиланган бўлиб, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда изчил иш олиб борилмоқда. Амалда имтиёзли кредитларни олишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилмоқда. Унга кўра, молиявий кўмак олмоқчи бўлган ёш оилалар, яъни ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи бор расмий никоҳдан ўтган хонадон эгалари белгиланган тартибда ариза билан мурожаат қилса, етарли. Банкнинг саккиз кишидан иборат махсус комиссияси аъзолари уни зудлик билан кўриб чиқиб хулосаларини билдиришади. Ортиқча саволга ўрин йўқ. Мижоздан талаб қилинадигани унинг муқим иш жойи, барқарор маоши бўлиши. Аниқроқ айтганда, у тўлов қобилиятига эга бўлиши керак. Масалан, вилоят марказидаги «Нестле» қўшма корхонаси ишчиси Отабек Азизовга банкнинг ўн беш миллион сўмлик кредитини қўлга киритишга бор-йўғи йигирма кун кифоя қилди. У анчадан бери кўп қаватли уйлардан яхшигина хонадон сотиб олишни кўзлаб юрганди. Ёш оилаларга берилаётган имтиёз ҳақида эшитиб, банкка шошди. Мана энди, «Дўстлик» даҳасида шинамгина хонадони бор. Чустлик Машҳура Султонова ҳам «Ипотекабанк» ёрдами билан 12 миллион сўмлик каттагина ҳовли эгаси бўлди.



Ғамхўрлик бўлса шунчалик бўлар-да. Қаранг, якка тартибда уй-жой қуриш учун кредит қарз олувчининг тўлов қобилиятидан келиб чиқиб, энг кам иш ҳақи миқдорининг 3000 баробаригача, асосий қарзни учинчи йилдан бошлаб тўлаш шарти билан 10 йилгача муддатга ажратилади. Бу муддат ҳар қандай хонадон эгаси учун қарзини узиб, қаддини тиклаб олишга бемалол кифоя қилади.

Фармон ижросига киришилгандан буён ўтган қисқа вақт ичида кўплаб фуқаролар банкнинг молиявий кўмаги орқали тураржойга эга бўлиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга муваффақ бўлдилар. Умуман олганда, шу мақсадда ажратилган кредитлар миқдори 67,5 миллион сўмдан ошди.

Филиалда «Ипотека» кредитига боғлиқ масалалар билан Шуҳратжон Валиев бошчилигидаги бўлим шуғулланади. Мутахассислар мазкур масалада мурожаат қилган ҳар бир фуқарога атрофлича тушунтириш беришдан эринишмайди. Яқинда мижозлардан бири янги имтиёздан фойдаланишга жазм қилгани, бироқ олинажак кредитнинг йигирма беш фоизи миқдорида ўз маблағи етарли эмаслигини айтиб, маслаҳат сўради. Унга бу борадаги имконият ҳақида тушунча беришди. Тўғри, Фармонда кредит олувчи банкдан олаётган қарзининг йигирма беш фоизи миқдорида ўз маблағига эга бўлиши шарт эканлиги кўрсатилган. Бироқ бу борада ҳам имтиёз бор. Яъни, бу маблағ фуқаро уй-жой тиклаш ёки реконструкция қилиш учун тўплаган қурилиш ашёлари тарзида бўлиши мумкин. Мурожаат қилган киши бундай имконияти борлигини эшитиб, керакли ҳужжатларни тўплашга киришди.

Филиал мижозлари нафақат уй-жой қуриш ёки ҳовли сотиб олиш, балки оилавий шароитни яхшилаш учун мўлжалланган кредитдан ҳам кенг фойдаланишяпти. Банкда шу мақсадда жорий этилган истеъмол кредити аввалдан амал қилиб келади. Уни аудио-видеотехника, радио-электрон ва компьютер жиҳозлари, маиший техника, мебель, сантехника ашёлари сотиб олиш мақсадида расмийлаштириш мумкин. Энг кам иш ҳақи миқдорининг беш юз баробаридан ошмаган ҳажмда ажратиладиган мазкур кредит республикамизда тайёрланган истеъмол товарларини харид қилишга мўлжалланган бўлиб, харидор талабини қондириш баробарида ишлаб чиқарувчини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойларида 15 фуқаро банкнинг 30 миллион сўмдан ортиқ молиявий мадади билан зарур уй жиҳозларига эга бўлди. Масалан, Норин туманидаги Яшиқ қишлоғида яшовчи Тўланбой Зулфиқоров молиявий муассаса ёрдами билан хонадонини 3,5 миллион сўмлик мебель, учқўрғонлик Шавкатжон Каримов эса 2,5 миллион сўмлик аудиотехника воситалари билан тўлдирди.

Истеъмол кредитининг яна бир тури — тўй ва бошқа тантанали маросимларни ўтказаётганларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари тўлов контракт асосида таълим олаётган талабаларга олий ўқув юрти билан ҳисоб-китоб қилиш, санаторийларга отланган фуқароларга йўлланма харажатларини қоплашда кўрсатилаётган молиявий ёрдам банк мижозлар манфаатлари учун хизматга маҳкам бел боғлаганидан дарак беради.

— Давлатимиз оилапарвар, ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги навбатдаги қадамлар бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтирди. Хайрли юмушни рўёбга чиқаришда алоҳида ўрнимиз борлиги эса ғайратга ғайрат қўшади, — дейди филиал бошқарувчиси Назиржон Ҳайиталиев. — Айни паллада банкимиз, унинг жойлардаги шохобчаларига ипотека, шунингдек, истеъмол кредити сўраб мурожаат қилувчилар сони тобора кўпайиб бораяпти. Бу, Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан янги оила қурганларга берилаётган имкониятлар кенг тушунтирилаётгани, халқимиз уни ҳис этаётганидан нишона.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**










# ДЕНГИЗ КЕЧИБ ЎТГАН ТУЙҒУЛАР



*Улар тоғлар,*
*довонлардан ўтдилар,*
*Оққуш бўлиб*
*осмонлардан ўтдилар,*
*Денгизлардан,*
*уммонлардан ўтдилар*
*Сени кўрмоқ учун,*
*Куйламоқ учун...*

Бу Мая қабиласининг қўшиқларидан бири, худди шунга ўхшаш сатрлар қадимги Викингларда учрайди, шунга яқин ташбеҳларни туркий битикларда ҳам ўқиш мумкин. Чунки инсон онасига, севикли ёрига бу тарзда изҳори дил қилмайди. Бу изҳорлар Ватанга нисбатан айтилади ёхуд қалбда жўш урган хаёллар кишини улуғ шаҳарларга етаклаганида шундай ҳиссиётлар уйғонади.

Бугун дунё шаҳарларининг улуғларидан бири — Самарқанд жаҳон мусиқа санъати марказига айланган. Куни кеча Регистон майдонида Латвия, Швеция, Молдова, Греция, Афғонистон, Мўғулистон, Италия, Индонезия, Тожикистондан келган санъаткорлар ўз дастурларини намойиш этишди. Биз ушбу сатрларни битаётганимизда озарбойжонлик ижрочилар катта саҳнага чиқишди. Бундан сал олдинроқ Озарбойжон элининг «Муғом» санъати — «Мақом» санъатига яқин эканлигини, маданиятимизнинг ўхшаш жиҳатлари кўплигини улар билан бўлган суҳбатда янада теранроқ билиб олган эдик.

— Ҳа, «Мақом» билан «Муғом»нинг яқинлиги бор. Чунки кўҳна замонларда санъаткорларимиз Каспий денгизини кечиб, бир-бирларидан ўрганиш, яқинлашиш мақсадида ўз чолғуларини кўтариб юришган. Замонлар ўтди, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган оламшумул фестивалга 10 йил олдин чолғуларимизни кўтариб, қадам ранжида қилдигу Самарқандга ошиғу беқарор бўлиб қолдик. Ўшанда мамлакатимиз вакиласи Симара Иманова олий мукофот — Гран Прини қўлга киритган эди. Шундан буён ҳар бир фестивалга мунтазам қатнашмоқдамиз. Самарқанд Симарани дунёга танитди. Унинг ижоди туфайли озар халқ мусиқаси мухлислари кўпайди, — деди Озарбойжон телерадио тармоғи бош муҳаррири Нодир Одил ўғли Охундов.

— Ўзбек ва озарбойжон халқларининг тили, маънавияти, мусиқаси ҳар томонлама муштарак. Бир-биримизни жуда тез тушунамиз. Кўнгилларимиз туташ. Қолаверса, Самарқанд хаёли, орзуси бизга бегона эмас. У ҳеч қачон сўнмайди, — деб суҳбатга қўшилади Озарбойжон Маданият вазирлиги мусиқа бўлими бошлиғи, мусиқашунос Фарах Алиева Ширмамед қизи.



Суҳбатдошларимиздан яна бири, Озарбойжонда хизмат кўрсатган артист, донғи бутун Шарққа ёйилган торчи Самих Алиевнинг Самарқандга иккинчи бор келиши экан.

— Мен бугун Самарқандда икки улкан тантана бирлашган байрамнинг гувоҳи бўлдим, — дейди у. — Бундан жуда ҳам бахтиёрман. Ўн йил илгари фестивалда вакиламиз Гран Прини қўлга киритган эди. Бу сафар янгиланган таркибдаги санъаткорлар билан фестивалда иштирок этаяпмиз. Танловда июль ойида 16 ёшга тўлган, келажаги порлоқ хонанда Арзу Алиева ўз хонишларини намойиш этади. Арзу ёш бўлишига қарамай, кўпгина халқаро фестивалларда муваффақият қозонган. Аммо Самарқанддаги фестиваль унинг ижодидаги энг йирик, нуфузли фестивалдир. Шунинг учун ҳам катта умид билан келган хонандамиз Регистон майдонида ўз санъатини юксак даражада ҳимоя қила олади. Бунга ишонаман.

Ҳа, Арзу, ўзбекчасига Орзу бизга сал наридан кўзлари ёниб қараб ўтди-да, тайёргарлик кўриш майдонига шошилиб кетди. Унинг боқишларида ҳаяжон, шовуллаган туйғулар жўш ураётганини сездик.

Ахир бобокалон, боқий шаҳарда, Регистон майдонида, улуғлар руҳи ҳамиша уйғоқ, ёруғ манзилда ашула айтиш осон эмас. Бу шаҳарга қадим-қадимлардан шоҳлар, амиру арконлар, даҳолар, шоирлару санъаткорлар, жаҳоннинг турфа бурчакларидан тоғлару довонлар ошиб, денгизу уммонлардан кечиб, мовий осмонлардан ўтиб уни кўришга, сўнг абадулабад севиб қолиш учун келганлар. Сен ҳам Самарқандни севиб қоласан. Кун келиб орзуларингга етасан, Арзу!

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**
**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

СПОРТ

***Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.***

## Жамғарма соврини учун

Қишлоқ ёшларини спортга оммавий жалб этиш мақсадида уюштирилган беллашувларнинг навбатдагиси Қўқон шаҳрида бўлиб ўтди. Икки кун давом этган баҳсларда Фарғона, Андижон ва Наманган вилояти вакиллари футбол, волейбол, баскетбол, шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синашдилар. Мусобақалар якунида шашка бўйича Избоскан туманидаги 23-мактаб ўқувчилари Хушнуд Шарофиддинов ва Бухорой Ортиқова ғолибликни қўлга киритишди. Шахмат биринчилигида қўқонлик спортчилар Нодирабегим Парпиева ва Бунёд Шокиров, баскетбол бўйича Наманган вилояти, волейбол ва футбол бўйича Фарғона вилояти ёшлари совриндорлар сафидан жой олдилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 16 йиллиги

ва Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан «Ўзсаноатқурилишбанк»и жозибадор ва юқори даромадли янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

- **«Эъзоз»** — муддатли омонат тури республикамизнинг барча пенсионерлари учун мўлжалланган. Омонатни сақлаш муддати ***4 ой бўлиб, йиллик — 26%*** ҳисобидан даромад тўланади.
Фоиз даромадлари ҳар ойда тўланади.
Омонатнинг энг кам миқдори — ***50 минг сўм.***
- **«Капитал плюс»** — муддатли омонатига ***6 ой*** сақлаш муддати билан пул маблағлари қабул қилинади. Омонатга ***йиллик 24%*** ҳисобидан даромад тўланади. Биринчи ой учун фоиз даромади омонатга маблағ қўйилган куни ҳисобланади ва тўланади. Кейинги ойларда ҳам ойлик фоизлари олдиндан ҳисобланади. Ҳисобланган фоиз маблағлари омонатчи томонидан талаб қилинмаган тақдирда, фоиз даромади омонатнинг қолдиқ миқдорига қўшилади ва кейинги ойда фоиз даромади омонатнинг умумий қолдиқ миқдорига ҳисобланади, яъни фоиз даромади капитализация бўлади ва умумий даромад йиллик 26,82%ни ташкил этади.
Омонатнинг энг кам миқдори — ***50 минг сўм.***

Банк омонатнинг сир сақланишини, омонатчи олдидаги ўз мажбуриятларининг бажарилишини ва омонатдаги пул маблағларини омонатчининг биринчи талабига кўра берилишини кафолатлайди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»даги аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳимоя қилинган.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча бўлимларида юқоридаги омонат турларига пул маблағлари қабул қилинади.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ҳар куни соат 9.00 дан 21.00 гача дам олиш кунисиз маълумот маркази фаолият юритмоқда. Марказ операторлари сизга янги омонатлар ва уларнинг шартлари ҳақида маълумот беришдан мамнун.

Барча қизиқтирган саволлар бўйича «Call-центр» маълумотлар марказига қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз: (998 71) 113-15-15.
www.uzpsb.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ; ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ; БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ; АУДИТ ВА БОШҚА МУТАХАССИСЛИКЛАР

бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган

ИҚТИСОДЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ишга қабул қилишда чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган ва банк тизимида иш стажига эга бўлган мутахассисларга устунлик берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 112-60-65, 112-60-64.


*Муҳтарам газетхон!*

*Газетамизнинг шу сонидаги қўш саҳифа газетхонлар учун бепул илова қилинмоқда.*


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Навоий» божхона постига хизмат зарурати туфайли мебеллар харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.




Манзил: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй. Тел.: 120-76-00, ички тел.: 20-19.





Маданият ва спорт ишлари вазирлиги М. Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси қошидаги Эстрада-симфоник оркестри бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматовга онаси
**ҲАФИЗАХОН аянинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд масъул ходими, тажрибали ҳуқуқшунос
**Абдуқодир САРАБЕКОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси жамоаси республика автомобиль транспорти соҳаси фахрийси
**Жавлон Аҳмедович ШОРАҲМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳайъати Ўзбекистон Республикаси автотранспорт соҳасининг фахрийси
**Жавлон Аҳмедович ШОРАҲМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси марказий кенгаши транспорт ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник А. М. Худойназаровга волидаи муҳтарамаси
**ҲАЛИМА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 01.15 23456